

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• Баҳоси эркин нарҳда •



АЖОЙИБ КУНЛАР

Бугун мамлакатимизда катта шодиёна. Бир неча кундирки, мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри, деярли барча вилоят марказлари, Қорақалпоғистон Республикасида, туманларда Қозоғистон кунлари бўлиб ўтмоқда. Ушбу тантаналарни кўриб кўзимиз қувончга тўлди, кўнгиллар тўқ бўлди. Кўҳна Туркистоннинг эртаси чиндан ҳам буюкдир.

Май ойининг сўнгиги ўн кунни мамлакатимиз учун тарихий кунларга бой бўляпти. Жумладан, спорт соҳасида ҳам. Мана, бир ҳафтадан буён Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари футбол терма командалари (19 ёшгача) Осиё чемпионатиغا йўлланма олиш учун беллашмоқдалар.

28 май кунни эса жаҳон катта теннис усталари ва ишқибозлари оралиқда кутатган «Президент кубоги» турнири бошланади. Теннис бўйича жаҳондаги энг нуфузли мусобақалардан бирига айланиши кутилаётган ушбу турнир юртимиз довуғини жаҳонга таратиб, Ўзбекистонга катта обрў келтириши табиий.

28, 29 май кунлари эса, қадим Самарқанднинг Чўпонота ҳудудида Халқаро автопойга турнири бўлиб ўтади. Ушбу турнир 1 шон — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилмоқда. Бу мусобақада Марказий Осиё мамлакатларининг юздан зиёд моҳир автопойгачилари қатнашадилар.

Ушбу турнир таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси корхоналари ассоциацияси, ҳомийси «Чинор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасидир.

Турнир голибларини жаҳоннинг машҳур фирмаларида тайёрланган сўнги нусхадаги аудио ва видеотехникалар, бошқа совринлар кутмоқда.

Мириқиб дам олай, ажойиб автопойга мусобақасини томоша қилай десаңыз, Чўпонотага марҳамат!



УШБУ СОНДА:

ЙУЛДОШ ПАРДА:

НАВОИЙ МЎЎТАБАР БЎЛГАН
ТУПРОҚДА ШЕКСПИР АЗИЗ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ВА БИЗНИНГ ОСИЁ

«Оила ва жамият» 19 (142)

Бир куни

ГЎЗАЛ ЭДИ...

...Умримда бундай хушрўй аёлни учратмагандим. Жанубий вокзалда поезд кутаётган одам, ҳар дақиқа соатга қараб, кетма-кет эълон қилинаётган поездлар рақамини эшитиш учун қўлоқ осиб... шундоқ рўпарада ўтирган болалик аёлнинг хатти-ҳаракатларини кузатишга вақт қани? Аммо, жажокигина болакайни бағрига босиб, атрофга бот-бот термуглаётган аёл ҳақиқатан гўзал эди. Енидаги сумка-қоплар унинг қаергадир кўчиб кетаётганидан дарак.

Балки, савдо-сотик билан машғулдир? Аммо, бу ўйни миянгдан чиқариб ташлашга интиласан. Шундай гўзал чехра, бенуксон нигоҳлар, тим қора кўзлар...

Қайсидир поезд келиши эълон қилинди. Уриндикларга чўкиб ўтирган йўловчиларнинг бир қисми ғимирлаб қо-

лишди. Юк-қопларини пала-партиш орқалай бошладилар. Аёл ҳам тараддулланди, кўлидаги йиғи бошлаган боласини овутиш парвойига келмади.

Бир маҳал перронга йўналаётган оломон орасидан бир йигит шошилиб кела бошлади. У келасолиб аёлнинг оёқлари остидаги юкларини йиғишга киришди.

Боягина ҳамманинг нигоҳида бўлган бағоят хушсурат аёл йигитга қархлик қаради: «Қаерларда юрибсиз, тўнғизга ўхшаб!»

Йигит — бечора эр жим. Барча елкаси, қўлларига юкларини ортиб бўлган. Хотинига умидворгина тикилди: «Кетдик!» Аёл унга қарамади, боласини кўтариб, одамлар орасидан, перрон томонга юрди. Унинг сўнгги ғазабнок сўзларини кўпчилик эшитди: «Бундай эрни ер ют-


гани яхши!»

Бечора эр хотинининг ортидан эргашди. Боши эгик эди. Одамлар қар эмаслигини биларди. Йигитнинг боши эгилмасин экан...

Бояги аёл орқасига ўгирилиб, яна қаҳрини сочди: «Эр-как деган эркакка ўхшаб юради-да! Юринг тез! Хотинлардай қийшанглайвермай!»

Биз беш дақиқа муқаддам бенуксон маъбуда тимсолида сигинишга тайёр турган, табиатнинг буюк ихтироси, гўзаллиги, деб тан олинган жонзот — аёл бир беўхшов тасқарага айланди-қолди. Боягина ич-ичидан ўз хаёлида яратган, ҳавас қилган гўзалликка зимдан ва яширинча тикилган нигоҳлар ерга эгилди. Перронда ҳамма ноқулай вазиятга тушиб қолди.

Рўзимбой ҲАСАН



ТАНТАНАЛАР АВЖИДА

С. МАҲКАМОВ сурати.

БИР КИТОБНИНГ ИККИ БЕТИ

Ҳассос шоир Ғафур Ғулом ўзбек ва қozoқ халқларининг муштарак тақдирини кўзда тутиб, «биз — бир китобнинг икки бети» дея таъриф берганди. Шоирнинг сўзлари асло муболага эмас. Бунга айни кунларда пойтахтда, шунингдек мамлакатимизнинг барча вилоятларида кенг нишонланаётган Қозоғистон Республикаси кунлари далил бўла олади. Юртимизга Нурсултон Назарбоев бошчилигида кўшини мамлакатнинг илм-фан, маданият, ишбилармон доиралар вакилларида иборат 600 кишилик катта гуруҳ таширф буюрди. Таширфдан мақсад икки дўст мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожига эътибор бериб бораётган ҳар бир кишига англашарлик бўлса керак: ягона иқтисодий маконни янада мустаҳкамлаш, илм-фан, маданият соҳасида ўзаро алоқа-

ларни янада кучайтириш ва жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиш йўлларида кучларни бирлаштиришдир.

Пойтахтдаги муҳташам «Туркистон» саройида Қозоғистон Республикаси кунлари очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Бу — илк дебоचा. Қозоқ ўлани нафақат пойтахтда, балки Андижон-у Фарғона, Бухоро-ю Самарқанд, Наманган-у Навоийда янграйди, ўзбек «ёр-ёр»ига жўр бўлади.

Жаҳон цивилизациясига Амир Темур, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Навоий, Бобур ҳамда Абай, Тўлабий, Қозибекбий, Айтекебий, Иброй Олтинсарин, Чўқон Валихонов каби даҳоларни тақдим этган икки халқ эртанги кунга ишонч билан боқмоқда. Улар ҳозирги давримизнинг ўткичи қийинчиликларидан чўчиётганлари

йўқ, аксинча бир-бирларига далда бериб, мададкор бўлиб, тўсиқларни енгиб ўтмоқдалар. Зеро, ўзбек ва қозоқ халқининг янги тарихи бошланмоқда. Бу тарих — эрк тарихи, иқтисодий ва маънавий қад ростлаш, жаҳон ҳамдўстлигида номи ва нуфузини барқарор этиш тарихидир. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов «Туркистон» саройидаги тантаналар чоғида қуйидаги мисраларни айтган эди:

Ул буюк муқадда
руҳларга қасам
Мустақиллик ва эрк бўлғай
мустақкам.
Қозогим, қарогим, ээизак
оғам
Уйим ўз уйиндир, эмасан
меҳмон,
Жаҳонда жаҳондек боқий
бўд омон!
Шоирнинг тилаги — барчанинг дилидаги, тилидаги гаплар.

Етти кун

ПОЛВОННИНГ ОМАДИ ЧОПДИ

Китоб нашр этиш анчагина мушкул бўлган бугунги кунда таъкил полвон Турсун Али Мухаммад бу муаммоларнинг ҳам курагини ерга текказди. Яқинда, «Чўлпон» нашриётида полвоннинг «Белида белбоғи борлар» китоби ўн минг нусхада чоп этилди. Полвонлар ҳаётидан хикоя қилувчи бу китобдан парчаларни газетимизнинг ўтган сонларида ўқиган бўлишингиз, шубҳасиз.

ШАХСИНГИЗНИ ИСБОТЛАЁЛМАСАНГИЗ, ТУШИНГ...

Тошкент темир йўл вокзалларида қатъий тартиб жорий қилинбди. Яқинда сафардан қайтган мухбиримизнинг айтишича, вагонга тушганингиздан сўнг дастлаб, шахсингиз аниқланади, сўнгра билетингиз ҳужжатларингизга солиштириб кўрилади. Бирор ишқал чиқса, поезддан қайтиб тушишга мажбурсиз. «Қўлдан олинган» билетларнинг ҳам бозори касод... Мабодо, ҳаммаси кўнгилдагидай бўлса, проводниклар сизга ўзбек тилида «оқ йўл» тилаб, сафарга кузатмоқда.

«ҚАЛДИРҒОЧ» ҒОЛИБ БЎЛДИ

18—19 май кунлари Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида Оила йилига бағишланиб, жумҳурият оилавий ансамбллар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Конкурсниинг олий соврини Қашқадарёнинг «Қалдирғоч» ансамблига насиб этди. Бу ҳақдаги тўла маълумотларни келгуси сонларда ўқишингиз мумкин.

МОЛИЯЧИНИНГ БЕЛИ БАҚУВВАТ ЭКАН

Тошкент Қишлоқ хўжалиги олийгоҳида талабалар ўртасида кураш бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Аммо бунда бошқа олийгоҳларнинг талабалари ҳам қатнашгани чатоқ бўлди. Совринни бўлажак молиячилар олиб кетишди. Мусобақада Тошкент Молия олийгоҳининг 4-босқич толиби Тугал Аҳадов «1» номерли полвон деб эълон қилинди.

Е ОЛТИН, Е...

Сурхондарё вилоят телевидиенеси орқали яқинда «Термиз-Париж-Дақар» авторалли пойгаси бўлажак ҳақида қизик ҳазил кўрсатув берилди. Гап шундаки, Термиз шаҳри кўчалари деярли ҳар йили қовлаб турилади. Таъмирланаётган жойда эса, қатнов тўхтатиб қўйилади. Шаҳарликлар ҳам, бу кўҳна типроққа таширф буюрувчи меҳмонлар ҳам ҳайрон: нега кўчалар бу қадар кўп қовланади!

Ҳозир эса, шаҳарда қизик гап юрибди: қурувчилар таъмирлаш баҳонасида олтин излашаётганмиш. Икки минг йиллик тарихга эга бўлган Термиз заминидан ҳамма нарсани топса бўлади, деб хабар қилади Сурхондарёлик мухбиримиз Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ.

САҚИЧ КЕТДИ, ҲОЛВА КЕТДИ...

Талабалар шаҳарчасида деярли ҳар 4 кунда янги савдо дўкончаси қурилиб, ишга туширилмоқда. Гугурт қўтисидек, қатор қуриб ташланган темир дўкончаларда асосан хориждан келтирилган сақич, қоғозга ўралган ҳолва ва сигареталар сотилади.

Иқтисодга унча «тиши ботмайдиганалар»нинг ҳисоблашича, «қўти»ларнинг анчагинасини озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари учун ажратиш ҳам фойда кўрса бўлармиш...

ҲОКИМ СЌЙЛАБ ОЛИШДИ

Тошкент болалар тиббиёти институтининг 2500 дан ошиқроқ талабаси ётоқхоналарда яшайди, деб хабар беради «Халқ сўзи» газети. Мана шу талабалар яқинда ўз ётоқхоналарига ҳокимлар сайлаб олдилар. Ўз навбатида янги ҳокимлар ҳукмига кўра ҳар бир қаватларга назоратчилар тайин этилди. Назоратчилар талабалар ҳаётининг осейшталлигига, уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишларига масъул бўлди.

Талабалар ўзлари сайлаган ҳоким ва ҳоким тайинлаган назоратчилар ишидан мамнун бўлмоқдалар.



С. МУСАЕВ сурати.

Нон ёпиш учун тандирга ўт қалаётган Назира опа ҳовлида ўйнаб юришган қизларидан бирига юзланиб:

— Наргиза қизим, ҳаммаёқ тўзиб кетибди. Ҳовлига сув сепиб, синглинг билан бир супуриб чиқсаларингчи, — деди.

Наргиза синглиси Хуморга қаради:

— Супураимизми?

Хумор тўзиб ётган ҳовлига қарагиси ҳам келмай:

— Менга зарил кептими. Иннайкейин бу ишга мен кичкиналик қиламан, — дедида ўйнагани ташқарига чиқиб кетди.

Ҳаво дим. Йўл четидаги чинорларнинг чанг борган бутқоқларида чумчуқлар чириллар, қаёқдандир қовоқарининг гўнғиллаши эшитиларди.

биргалашиб чой ичамиз, хўпми? — деди Қумри буви бир зум кўрпа қавишдан тўхтаб.

— Чой ичмайман. Яхшиси ҳовлигини супуриб берайми? — дея Хумор супурги излаб атрофга кўз югуртирди.

— Ундан кўра мен билан сўхбатлашиб ўтирсангчи.

— Йўқ, супуриб бераман, — деб Хумор ҳовли саҳнидаги сўри тагидан супургини олиб, ишга киришиб кетди.

Энгашиб супураркан, ҳар замонда қаддини ростлаб, ҳуш нарироқдаги олча дарахтига қараб-қараб кўярди. Қип-қизариб пишган олчалар кўёш нурида арча ўйинчоғидек товланиб ҳавасини келтирарди. Хумор Қумри бувидан бир ҳовуч олча олишни дилига тугиб қўйди.

Шу орада ҳовлига кимдир киргандай бўлди. Қараса ойи-

ҲАККАНИНГ ҲИКОЯСИ

Одамлар мени ўғри дейишади. Шўям гап бўлдию! Нима, бошқа қушлардан бойиб кетган жойим борми? Кўпчилик қатори тирикчилик қилиб юрибманда. Ўзимга керагидан ортиқча нарсани ўмарган бўлсам, тешиб чиқсин.

Фараз қилайликки, ёғлиққина сўзма қатиқни қурут қилишиб, офтобга териб қўйишган. Теварақда ҳеч ким йўқ. Масалан, сиз ўша қурутлардан бир-иккитасини татиб кўрмасиндигиз? Фақат, олифтагарчилик қилмай, тўғрисици гапиринг.

Ёки, томга ёйиб қўйилган ёнғоққа дуч келиб қолдингиз дейлик. Нега энди ундан уч-тўртта чақиб кўрмаслик керак экан? Биламан, шаҳсан сиз қоринни ҳам тўлдирасиз, чўнтакка ҳам урасиз. Мен бечорада ҳатто биттагина чўнтак ҳам йўқ.

Энди тухум масаласига келсак, қушларнинг тухумини қасддан ўғирлайди десангиз, мени тўғри тушунмас экансиз. Бировлар ҳақида ўйламай-нетмай бўлмағур гапларни гапириб юриш яхши эмас. Сиздақаларни гўйбатчи дейишади.

Ўзингиз биласиз, мен ашуланиман. Ашулани бўлгандаям, майна-сайналарга ўхшаган хашаки яллагичлардан эмасман. Теракнинг учига қўйволиб, шаққилашчи бош-лаб юборсам, овозим етти маҳаллага таралади. Шунча аажойиб овозингиз бўлса, сиз



«НИМА ДЕЯСАМ...»

ҳам кунига ҳам тухум ютиб туришни қанда қилмасдингиз.

«...ҳў обдастанинг ёнидаги нима? Пишлоқми? Вой, атир совун-ку. Ерга таилаб қўйишибди-я. Ҳойнаҳой, одамларга ортиқчилик қилаётганча ўхшайди. Атрофда биров йўқми?»

«Вей, шалпангқулоқ, нега хўрайиб қолдинг? Қўриб турибсан, ҳаво тобора исиб кетаяпти. Ўзгина совун есам, патларим тулаб, сал енгилроқ бўл қоламан. Мен ўзимга керак бўлмаган нарсани олаётганим йўқ-ку.»

Анвар ОБИДЖОН

КАТТА ҚИЗ

Хумор чинор тагидан оқиб ўтадиган ариқ лабига ўтириб, бироз хаёлга толди. Қаёққа борса экан. Топди. Қумри бувиникига боради. У ўзларидан уч ўй наридаги қўшни кампир. Бу пайт унинг ўғли Қўқор ака ишда бўлади. Буви ёлғиз ўзи зерикиб ўтиргандир. Кўпинча Қумри бувиникига бориб, ул-бул ишларига кўмаклашишга одатланиб қолган. Чунки, уларни хурсанд қилиш бирам яхшики... Буви бундай пайтда албатта бирор ширинлик ёки ноз-неъмат билан меҳмон қилиши турган гап. Ўз уйдаци... Шунча иш қилгани билан барибир... Ойиси «рахмат» дегани билан опачаси Наргиза бирор камчилигини топиб туради. Ҳа, яхшиси Қумри бувиникига боради.

...Қумри буви айвонда кўрпа қавиш билан банд эди. Хумор ҳовли эшигидан кира солиб:

— Ассалому алайкум, буви! — деди.

— Кира қол қизалоғим, — Қумри буви чехраси очилиб кутиб олди. — Менга ёрдамлашгани келибсан-да, шундайми?

— Ҳа. Ишингиз борми, буви? — деди Хумор айвонга яқинлаша туриб.

— Э қизалоғим нима иш бўларди. Ҳозиргина газ ўчоққа чой қўйгандим. Қайнаса

си — Назира опа. Қумри бувидан бирор нарсаси сўраб чиққанга ўхшайди.

— Ие, ҳали сен шу ёққа қочиб чиқувдингми? — деди онаси ҳайрон бўлиб Хуморга тикиларкан.

— Кириб, Назирахон, — онасини илиқ қарши олган Қумри буви кутилмаганда Хуморни алқай кетди. — Шу қизингиз жуда одобли, меҳнатсевар-да. Барака топгур, ҳар доим келиб бирор юмушини бажариб кетади.

— Жудаям «меҳнатсевар», — деди Назира опа жилмайиб. — Бундан ҳатто опачаси ҳам хурсанд, тўғрими Хумор?

Назира опа Хуморга маъноли қараб қўйди. Нима қилишини билмай серрайиб турган Хуморнинг юзи шу дамда олчадай қизариб кетганди.

Эртаси кун Назира ҳовлини тозалашга уннаб, қўлига челақни олганида, синглиси чопиб келиб қўлидан челақни олди. Наргиза бундан ҳайрон бўлиб:

— Сен ҳали кичкина эдинг-ку, — деди.

— Энди мен катта қизман!

— Хумор шундай дея ариққа қараб чопқиллаб кетди. Бу ҳолни ошхона тарафдан кузатиб турган Назира опа мийиғида кулиб қўйди.

Улғубек МУСТАФОҚУЛОВ

ЛОЛА

Лола кулиб турар қир-адирларда,
Ватанига фидойилик бордир қонида.
Айрилиқни истамагай, титрар юраги,
У заминдан томирларин узар онида.

ДУТОР

Дуторни эшитгим келади,
Чунки у бағримни тилади.
Бағримдан сугурар
соғинччи
Ва олам соғинчга тўлади.

ҒАЗАЛ

Дарз кетар юрак, агар алдаса бирор дўстинг,
Сени алдаб шунда ҳам топмаса қарор дўстинг.
Ҳар табассум чоғида ўқлар ёғдирса сенга,
Йиғласангу бу ёнда кўп айтса алёр дўстинг.
Огоҳ бўл, сен бу дунёда бўлмайсан дўстга сероб,
Чунки ёруғ оламда топилгай бир бор дўстинг.
Сен унга ногаҳонда етказсанг озорларни,
Чин бўлса садоқатни кўрсатар такрор дўстинг.
Айт, Умида, дўстинга етказсин озорларни,
Агарчи у озорга бўлса харидор дўстинг.

Умида МИРЗАЕРОВА,
Тошкентдаги А. Навоий
номли Нафис санъат мактаби
9-синф ўқувчиси.

ҚУЁН

Ўрмонда бир қуёнча,
Эгинда оқ пўстинча.
Қўлоқлари шалпайган,
Оёқлари ялпайган.

Ҳушёрликда тенги йўқ,
Бир кун очу бир кун тўқ.
Қочаман деб узоққа,
Илинади тузоққа.

З. НИЁЗОВА,
С. Раҳимов тумани,
165-ўрта мактабининг
5-синф ўқувчиси.


КОПТОГИМ

Сўвга тушди коптогим,
Қўлим чўзсам етмади.
Ҳайронман, у негадир
Сира чўкиб кетмади.
Чўкиб кетса йнглашим
Билибди сув афтидан,
Шунинг учун тўпимни
Қўямас сира кафтидан

Наргиза АЛИХОНОВА,
Андижон вилояти

Бошқотирма

СЎЗ ЎЙИНИ



[«Муз»дан — «сув», «чўл»дан — «боғ»]

Азиз болажонлар! Шаклдаги «муз» сўздан бошлаб, ҳар сафар битта ҳарфни ўзгартириб, ҳосил қилинган бошқа маънодаги сўзни бўш катакларга ёзиб, «сув»га айлантириш билан сўз ўйинини бажаринг.

Худди шундай усулда «чўл» сўзини «боғ» сўзига айлантиринг.

Биз сўз ўйинларини бир неча усулда бажариш мумкин. Ўзингиз ҳам ана шундай сўздан сўз ҳосил қилиш мумкин бўлган машқлар ўйлаб топингчи! Фозилжон ОРИПОВ тузган

ГУЛДАСТА

ҲАЛОЛ ЛУҚМА ВА ПОКИЗА РУҲ

Қадим-қадимдан ҳақиқий рухонийлар, биринчи галда турли даражадаги дин пешволари, домла-имомлар, уламолар, қорию қурролар (Пайғамбаримиз (С.А.В.) ҳамда ҳулафои рошидийнлар йўлидан бериб, тақводорликка жумладан ҳалоллигу ҳалолхўрликда барча мўминларга яхши ибрат, юксак намуна бўлиб келганлар. Биргина мисол, Тошкентнинг Хожя аламбардор масжидида ниҳоятда оғир — Улуғ Ватан уруши йилларида имом хатиблик қилган Муҳитдин домла ҳақида айна ҳусусда қавмлар орасида афсонавор гаплар юради. Қавмларнинг гувоҳлик беришича, ул зоти бобаракот (Аллоҳ алардин рози бўлсин) бутун онгли фаолиятларини халқимиз орасида маълум ва машҳур мақолга зид ўлароқ муллонинг айтгани билан қилгани бир бўлади, унинг дили билан сўзи, сўзи билан иши бир ердан чиқади, деган ҳақиқатни амал-

ан тасдиқлашга баҳшида қилган эканлар. У киши ўта тақводор ҳамда ниҳоятда сабр-қаноатли бўлганлари сабабли ўзлари бош-қош бўлиб ўтказадиган турли диний маросимлар ва маъракалар вақтида қиладиган амри маъруф, наҳийи мункар ҳамда тиловатлари учун сариқ чақа ҳам олмас эканлар. Бунинг сабабини суриштирганларида у муҳтарам зот: «Ҳада ва эҳсонларингизни масжид мутавааллисига топширинг, менга тўлов қоғозини кўрсатсангиз бўлди. Менга Диний назорати томонидан тайинланган маошининг ўзи етади», — дер эканлар. Бордию қавмлардан кимдир қўярда-қўймай чопон, тўн кийдирса, барибир бирор муҳтожга тортиқ қилиб юборар эканлар. Ҳозирги кунда ҳам ўз илмини Аллоҳ йўлида бебадал сарф этиб келаётган муллолар, қорию қурролар мусулмонлар орасида бир талай.

Хулласи калом, мамлака-

тимиз олдида кўндаланг турган энг асосий ва мушкулдан мушкул муаммо маънавий қашшоқлик балосидан қутула билишдир. Бусиз бошқа ҳамма муаммолар очилмай қолиб кетаверади. Ҳозирги маънавий инқироздан чиқиш учун халқимиз асрлар мобайнида ардоқлаб келган иймон-этиқод, шарм-ҳаё, ҳалоллик, сабр-қаноат, инсоф-диённат, виждон сингари исломиий-умумбашарий қадриятларимизни тиклабгина қолмай, янада ривожлантириш зарур. Бунинг учун ўзини муслимон деб билган ҳар бир киши ҳаромпарастликдан ҳалолликка ўтиши, яъни ўз нафсига қарши аёвсиз жиҳод эълон қилиб алал-оқибат уни ўз измига солиши даркор. Масаланинг бағоят нозик ва мураккаб томони шундаки, биз инсонларнинг ўзаро чамбарчас боғланган икки хил ҳаётимиз бор — бири ҳайвоний ҳаётимиз, бири руҳоний ҳаётимиз. Биринчиси-

нинг илдизи тупроқдан яратилганимиз туфайли ер билан, ундаги турли-туман нозу неъматлар билан боғлиқ, улардан озиқланади. Иккинчисининг илдизи эса самовот, илоҳиёт, Раҳмон билан вобаста, улардан куч-қудрат олади. Бу икки ҳаётимиз ўртасидаги муносабатда луқмаи ҳалол шарофати билан руҳият устунлик қилмаса, ло-ақал доимий мувозанат ҳо-кимлик қилмаса, киши Шайтон йўлига кириб кетиб, ахир-и инсонликдан чиқади, нафси амморанинг итоаткор қулига айланади, ўзининг бузуқ эҳтиёж-талабларини қондиришда ҳайвондан тубанлашиб кетади. Энг даҳшатлиси, ҳайвонсифат одам ақл ва забон соҳиб бўлганлиги туфайли ёвузликда энг хавфли йиртқичдан минг чандон ошиб тушиши мумкин. Бу — теварак-атрофимизда ҳар қуни юз бераётган мисли кўрилмаган, бир-бирдан даҳшатнок жиноятларда

рўй-рост намобандир.

Шу боисдан Султон орифин Аҳмад Ясавийнинг бундан 800 йил муқаддам охиратни унутган нафс бандларига қарата айтган ларзон сўзлари жаранглайди:

Нафс йўлига кирган расво бўлур.

Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб

гумроҳ бўлур.

Етса, қўпса, Шайтон билан

ҳамроҳ бўлур.

Нафсни тефкил, нафсни тепкил, эй бадкирдикор!

Буюк бобокалонимизнинг ушбу қақирқ-нидосига кирои иҳлос билан қулоқ осиб, ўз нафсининг қоқ белига қарсилатиб тепиб, бундан буён фақат луқмаи ҳалол ошашга интилиб, шу тариқа ўз руҳиятини поклаш ва янада юксакроқ поғонага кўтариш йўлига кирган ҳар бир мусулмонни Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг ўзи қўлла-ғайи Омин!

Содиқ АЛИМОВ
Тошкент



га Шоирбек деб исм қўйган. Болалигимдаёқ «Зумрад ва Қиммат», «Баҳром ва Гуландом», «Ерилоташ» каби эртақ ва дostonларни ёд олгандим. Гафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Толстой, Гюго, Дюма асарларини синчиклаб ўқиб чиққанман.

— Шунча китоб ўқиб, шунча йил фақат ижодкорлар ичидан юриб ҳам шоир ёки ёзувчи бўлмаслик мумкин эканда!

— Мана бундан таажжублансангиз бўлади. Қисқаси, кўнгли тусган одам ижодкор бўлиб кетавермас экан. Анчадан буён нашриётда ишлаяпман, агар хоҳласам, шу бугунга қадар шеър тўпламлардан анчасини чиқариб ташласам бўларди. Бирок, бурчимни, вазифамни суистеъмол қилиб нимага эришардим. Шу боис ёзганларимнинг

миз Тўлқин Рустамов жигибийрон бўлиб, Эркин Воҳидовга «Бу шоирбачаларингиз жонга тегди. Уларнинг ҳаммасини ишдан қувиш керак» деса Эркин ака гапни ҳазилга буриб, «Шоирларни ишдан ҳайдаш осон, аммо уларни ҳайдаш учун бир жойга йиғиш қийин», дея ҳаммани қулдириб ўтирарди.

— Шоир Абдували Қутбиддиннинг айтишича, таржимонлик ҳам қилган экансиз!

— 1973 йили Европа классик ёзувчиси Ян Отчанешкининг «Қорақуш ва муҳаббат» қиссасини таржима қилдим. Аммо бу китоб орадан саккиз йил ўтиб чоп этилди. Сўнгра Акрам Айлислининг повестларини, Жон Гирваннинг ҳикояларини, Ян Казоснинг «Лайлак уяси», Катон Микитнинг «Фа-

нинг нархини нашриётнинг ўзи белгиларди. Бугунга келиб бу ҳам бизга боғлиқ бўлмай қолди. Ҳаммасини шартнома асосида сотиб олаётган ташкилот белгиларди.

— Айни пайтда китоб дўконларидаги нарх-навога нисбатан муносабатингиз қандай?

— Бироз қиммат. Аммо айб қимда? Нашриётларнинг аҳолини ўзингиз биласиз. Қоғоз дейсиз, бўёқ дейсиз, иш анжомлари дейсиз... Хуллас қўлимдан келса китобларга умуман нарх қўймасдим.

— 30 йиллик иш фаолиятингиз мобайнида сизга энг маъқул бўлган китоб қайси бир муаллифга тегилди?

— Ян Отчанешкининг «Қорақуш ва муҳаббат» қиссасини йўғлаб ўқиган-

ЖАВОҲИРЛАР ИЧРА НУР ЯНГЛИҒ

Бу оламда Шоирбек Усмонхўжаев кўрган, тўплаган китобларни ҳали ҳеч қим кўрмаган ҳам, тўпловмаган ҳам. Шу бугунга қадар уйимизда йиғилиб қолган ёки давлат дўконларида сотилиб кетган ёки сотилмаган китобларнинг ярами бўлмасада, нақ ўчдан бир қисми Шоирбек аканинг қўлидан ўтган десак ҳам муҳолага бўлмаса керак. Қарийиб 30 йилдирки, у киши жудаим савобли, жудаим маърифатли иш — китоб қариши билан банд. Ўзи ҳассос шоир бўлмасада «Мана менман» деган шоирларнинг анча-мунчаси билан ёнма-ён ишлаган. Вақтида журналистлик ҳам қилган. Ҳарбийдаги мажбуриятини аёло даражада бажариб, уйига офицер бўлиб қайтган. Айни замонда эса Тошкентдаги «Ёзувчи» нашриётининг директори бўлиб ишламоқда.

— Шоирбек ака, гапнинг очигини айтсан, исмингиз менда сал бўлсада таажжуб уйғотмоқда. Сўхбатимизни ҳам агар мумкин бўлса мана шундан бошласан!

— Ўқувчилик пайтимда мактабимизда қандай йўғин бўлмасин исми Шойрбек бўлганлиги учун адабиёт ўқитувчимиз доимо менга шеър ўқитарди. Уларнинг назарида фақат исми эмас, тўғи ўзим ҳам шоир эдим. Бироқ пешонамизнинг ёзиғи бошқа экан, улғайганимизда шоир бўлолмадик. Бу албатта менгизга эмас отамизнинг ҳам армони эди. Шундай бўлсада бугунги ишимиз шоирликдан иборат десам тўғри тушунарсиз.

Отам ижодкорларни жуда яхши кўрган. Шунинг учун бўлса керак мен-

ҳаммасидан воз кечганман. Ижодкор бўлгандан кейин ўртаимёна эмас, ҳаммадан зўр бўлиш шарт деб ҳисоблайман.

— Сизга ҳам қийин экан!

— Кимга осон ахир.

— Илк бор иш фаолиятингизни қачон ва қердан бошлагансиз?

— 1960 йилда ТошДД филология факультетига ўқишга кирдим. Шу йилдан бошлаб, «Ташкентская правда» газетида курер бўлиб ишлаб бошладим. Дастлабки мақолам ҳам ўша газетда рус тилида эълон қилинган эди. У пайтлар ёзувчи Уткир Ҳошимов «Қизил Ўзбекистон» газетиде ишларди. Ўзганларимни фақат шу одамга кўрсатардим. Ноширчилик фаолиятини эса 1965 йилдан бошлаганман. «Тошкент» нашриётига ўтган кунларим директор Рамз Бобононов, бош муҳаррир Иброҳим Гафуров эди. Шунингдек Омон Матжон, Талъат Неъматов, Ҳикоят Маҳмудовлар билан ҳам бирга ишлаганман.

— Муносабатларингиз қандай эди!

— Шоирлар ўша пайтда ҳам иш тартибига риоя қилмас эди. Раҳбари-

ройиб никоҳ», Марк Твеннинг «Қирол Артур ва Янки» романларини ўзбекчалаштирдим.

— Сизнингча ижодкор қандай бўлиши керак!

— Дунёда энг машаққатли иш ижодкорларники. Бас шундай экан, уларнинг меҳнати қадрлайдиган халқимиз маърифатпарвар бўла олади. Уларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди. Бу тоифадаги одамларнинг қалби, орузи, армони, ташвиши, бахти, юриш-туриши бир хил, юзларидан нур ёғилади. Мен мана шунча йил улар билан бирга ишлаб шуни англадимки, ижодкор одам ҳеч қачон умридан ижодга вақт ажратмайди. Балки ижоддан умрига, яшашига вақт ажратади. Қисқаси, ижодкор халқ фақат бедорлик учун туғилади.

— Ҳозирги пайтда нашриётингизда битта китобни чоп этиш қанчага тушмоқда!

— Илгари бир йил давомида 200 дан ортиқ китоб чиқарардик. Ҳозир эса бу рақам қирқтага ҳам етмайпти. Бундан 5-6 йил олдин китоблар-

дим. Шу боис уни ўзбек тилига таржима қилганман.

— Касбингиз тақозоси билан фақат муаллифлар учун хизмат қиласиз. Бу борада албатта ўқувчилар эътиборини ўзингизга торттишингиз ниҳоятда мушкул вазифа. Китобни ўқиб чиққан одам сизга эмас, кўпичча муаллифга раҳмат дейди. Бу ҳол сизга оғир ботмайдими. Ахир китобда сизнинг ҳам хизматларингиз мўжассам!

— Начора. Югурганники эмас, буюрганники деб шунга айтса керакда. Мен учун энг муҳими халқимиз саводхон, илмли бўлса бас. Савоби барибир ўзимизга тегарди.

Сўхбатдош: Нормурод МУСОМОВ

Фойдали маслаҳатлар

ШИФОБАХШ СУТ

Оқсил ҳаётимизнинг асоси эканлиги ҳаммага аён. Бир литр сутдаги оқсил эса саккизта тухумга тўғри келади. Бундан ташқари сутда А, В, С, Д витаминлар кўп, яна бир таркибий қисми сув. Бу сув энг соф сув бўлиб, бу сувсиз сут мазасини билмаган бўлар эдик.

Сутнинг шифобахшлигини бундан неча аср муқаддам Гиппократ кашф этган. Абу Али ибн Сино айтганларидек бош, нафас аъзоларига, иситма ва захарларга қарши шифобахш табиий озуқа. Сут организмдаги нокерак чиқиндиларни чиқариб ташлаш, овқатни яхши ҳазм қилиш хусусиятига эга. Сувли қисми кетгунча қайнатилган сут қонли ич кетишини тўхтатади, ични қотиради. Буйрагига иллати

борлар ҳар эрталаб, тушда, кеч пайти сут ича беҳад фойдали. Паршонхотирлик, ошқозон, асаб касалликларига мубтало бўлганлар ҳам сут билан даволанади. Замонавий усулдаги текширишлар натижа-си ҳам инсоннинг ҳар томонлама мукамал соғлом бўлиши учун сут ниҳоятда қимматли озуқа эканлигини аниқлади.

Агар сиз ҳар кун эрталаб бир стакан сут ичишни одат қилсангиз, кун буйи кайфиятингиз чоғ, соғлом ва тетик бўласиз.

ОНА СУТИ

Она сутига тўйган бола тетик ва ҳатто очликка чидамли бўлади.

Фарзанд дунёга келгач, она қорнидаги бевосита мулоқот узилади. Тўйилган чақалоқ кўрак сути орқали онасига боғланиб ўсади.

Она боласини эмиздираётганда яхши, эзгу ҳаёллар сўришни одат қилмоғи лозим. Сут орқали нафақат меҳри, фазилатлари, балки кайфият ўйлари ҳам ўтади.

Она сутига 100 дан ортқ керакли-озиқ моддалар бўлиб, фақат миқдор жиҳатдангина эмас, беқиёс сифати билан ҳам боланинг эҳтиёжга тўғри келади. Бу сифат ўрни-ни ҳеч қандай сунъий тайёрланган сутлар қоплай олмайди.

ДИЛБАР тайёрлади

Оила

30 ЁШДА

Тошкентликман. Ишим, топиш-тутушим ёмон эмас. Уяланиб аёлимнинг бевафолиги туфайли ажрашганман. Хонадон соҳибаси, оналик бурчини муқаддас ҳисоблайдиган оқила қиз билан бахтли турмуш қуриш бирдан бир орзуим «Оила 314».

30 ЁШДА

Шаҳрисабзлик, истаралигина, одобли, маданият соҳасидаги дипломга эга бўлган хуштабиат, кенг фикрли йигит, чевар, пазанда, тарбияли, 20-25 ёшлар атрофида бўлган қизни умр йўлдошликка қидирмоқда. «Оила-315».



ҲОРДИҚ УТМИШЛАР НИГОҲИДА

А. САПАРМАТОВ сурати.

Дераза

ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН...

Ҳозир эпини топган одам ҳар нарсдан пул қилиши мумкин. Жумладан екатеринбурглик бир «ишбилармон» автоулов абонементидан мўмай даромад қилди. У 1990 йили Ленинград ва Харков шаҳарларида чиқарилган абонементларни катта миқдорда олиб келиб, бу ерда «жамоатчи сотувчи»лар ёрдамида пуллаган. Автоуловда ўшбу абонементларни кўрсатган йўловчилар эса эски йўлпаттадан фойдаланишга уринганлари учун жарима тўлашга мажбур бўлмоқдалар.

ИНСОФДА БАРАКА

Нефт қазиб олишда МДХда ҳукмрон макегага эга бўлган Россияда ҳозир «Турд» газети ёзишча, 6,5 млн. тоннадан ортқ сотилмай ётган нефт бор. Сабаби нефтчилар ўз маҳсулотлари баҳосини ҳаддан ташқари ошириб юборишган. Улар жумладан рус нефтига мутлақо қарам бўлган Киевни бензини учун Москванинг ҳар қандай шартига рози бўлади деб ҳисоблашган. Украина эса яқинда Роттерамдан Россиядагидан анча арзон нархда 2 млн. тонна нефт маҳсулотлари харид этган.

«ҚАРИЯ ОТА»

Уфалик қария, уруш фахрийси Н. Прохажим қўша-қўша орден-медаллари қаторида «Қахрамон ота» медалини ҳам тақмоқда. «Қаричиликда, отахон адаштириб тақиб олганда» деб ўйлаётган одамларга у: «Аёлим иккимиз 12 фарзандни ўстирдик. Ҳукумат нима учун фақат оналарни мукофотлашни биз тушунмаймиз. «Қахрамон ота» нишони таъсис этилмаган экан, аёлим иккимиз медалини алмашиб тақиб келишдик» демоқда.

ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИРМАНГ

Россиянинг Бирса шаҳри аҳли, ўт ўчирувчилари ва милицияси ўйнаб юриб, йўқолиб қолган 6 ёшли Славик исмли болани бир кеча-кундуз қидиришди. Уйку-сиз тунда шошилинч ёрдамга чақирилган ички ишлар ходимлари даҳа ҳудудини «қаричма-қарич» ахтариб чиқишди ва болани канализация қудуғи ичида қурқувдан ғужанак бўлиб ўтирган ҳолда топ-пишди. Славикнинг ҳеч ери лат емаган экан.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Қадрли Нурхон
ЭРГАШЕВА!

Сизни ёру биродарларингиз, барча қадр-донларингиз

номидан тугилган кунингиз билан муборакбод этамиз. Танингизга соғлиқ-омонлик ва кўп қиррали фаолиятингизга янада равнақ тилаймиз. Самиийлик Сизни асло тарк этмасин. Келгусида етук олма бўлишингизни тилаб, дўстларингиз **ЎТКИР, ХОЛИДА.**

Тошкент шаҳри

Севимли жажжи жияним **СОҲИББЕК!** Мен сени 31 май тугилган кунинг билан чин дилдан табриклайман. Сенга боқий умр, битмас-туганмас соғлиқ тилайман. Мен тилайман дунёда

мавжуд. Бахтли онлар сенга ёр бўлсин, Келажакда нурли кўзларинг, Яна минг бор баҳорни кўрсин. Сенга яна кўп яхши тилаклар тилаб қолувчи: **МОҲИГУЛ ЖАМОЛОВА.**

Бухоро вилояти, Шофиркон тумани

Сингилжоним **МЕҲРИ-БОН!**

Сени 26-май тугилган кунинг билан чин қалбдан табриклайман. Илоё, умринг узоқ бўлсин, ҳаётингда фақат шоду хуррамлик йўлдош бўлсин. Умрингни очилажак варағи бахт сўзига бой бўлсин, онанг **НАСИБА**

Қадрдонимиз **Альфия!** Сени яқин кунларда нишон-ланадиган тугилган кунинг билан қутлаймиз. Сенга олам-олам шодлик, бахт, узундан-узун умр ва кўпдан-кўп эзгуликларни тилаймиз. Юрар йўлинг ойдин, бахтинг баркамол бўлсин!

Бир гуруҳ Фотонабор монтажчилари

УМИДА БОНУ!

Таваллудингиз оламнинг айёми бўлсин. Аввало дунёда сиз умид юлдузини кўринг. Лола исмли гулнинг ишвасини, малохатини сизга истаймиз!

ҚУРСДОШЛАРИНГИЗ,
ТошДД

Азиз акамиз **БАҲОДИР!** Сизни 29 май тугилган кунингиз билан табриклаймиз. Ишларингиз ва оилангиздаги иймон нури ҳамisha сиз билан бўлсин. Ота-онангиз ҳамда бизнинг бахтимизга ҳамisha соғ-салома-т бўлинг.

ШАВҚИДДИН,
ГУЛНОЗА,
НАРГИЗА,
Челак тумани

Азиз опажонимиз **Мастура МАҲАМАДАЛИЕВА!**

Сизни таваллуд топган кунингиз муносабати билан чин дилдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз. Доимо шундай гўзал ва ёш бўлиб юринг.

Улуғбек ШАРАФИДДИНОВ

НАСИБА!

Йигирма биринчи баҳорингиз қўтлағ бўлсин! Камолот оstonасида сенга энг эзгу тилакларимни тилайман. Оллоҳим бахтингни тўлиқ, ризқингни бутун қилсин. Бахтимизга доимо соғ-салома-т юргин, деб. **РАЗЗОҚ.**

Хайрлашмоқ керак... Ингладинг,
таманнонинг тайри кўкка учди «гурр»
қароғингда қотди икки дона дур —
артиб ташламоққа сизмаган ҳадинг,
ҳиссиз ёшларингда кўриндим —
қалбингдан чиқмоққа уриндим...
Киприкларинг тутиб қолган дур
менман — ҳазинаман, сен учун ганжман,
бирок, совуқ тошман, тўшунгин,

санчма —
либосини менга ўғирлатган сўнг
буткул оддий қизга айланган, эй ҳур —
хор қилма кипригининг найзаларини...
Кўзларинг ичига томмасин ёшлар,
чунки топтамоғи мўкин бу тошлар
юрагининг майсаларини.
Кўзларинини ёшла,
ўқиб йўлга —
сен мени қалбингдан чиқариб ташла!

Еш шоир Икром ИСКАНДАР (БҲРИБОЕВ) фикри жудаям
тиниқ. Ёзган шеърларида гумон ва иккиланишларга йўл қўймай-
ди. Ҳаммаси атайлаб сизга аталгандек ёки сиз айтмоқчи бўлган
нарсани у олдинроқ дадил айтиб қўйгандек туюлади. Бу албатта,
шоирнинг қалби қалбларимизга тутшиб кетганлигидан, ора-
миздаги кўнгул ва руҳ, фикр яқинлигидан далолат.

Яқинда Икромнинг «Ойнинг ичидаги одам» номли илк китоби
Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилди. Уни ўқиб шеър илосманд-
лари ҳузур қилаётганлиги аниқ.

Айни пайтда, «Оила ва жамият»да хизмат қилаётган Икром
Искандар мақола ва суҳбатлар ёзишда ҳам илдам. Мўҳими,
унга мўстаҳкам соғлиқ, бақувват ижод тилаб, кейинги кунлар
ичида ёзган шеърларидан намуналар беришни фарз билдик.

Тахририят



ГУЛЛАРИНИ ТЌКАР ЯНА БИР ДАРАХТ

ҲОЛАТ

Ёмғирлар қўймоқда ташқарида.
Юрагининг ҳовлисини эгаллаб бутун
ўйнаган Сөгинчим қариди.
Ташна лабларимизга бир чўр интилар,
хонанинг шифтига тўлади тутун...
Ўйимда қизилган йўл икки
томонга айрилди.

Бир — овозини эшитмоқ ҳарна...

Менга жавоб бермайди Барно.

Иккинчи йўл қолди —
юрагини қилганча пана
ёмғирзорда қатор уйлар
оралаб унга бормоқ...

Бир-умр-қол-моқ-
хаёлим толди — бу йўл
«борса-келмас» каби туюлар.
Кўзларимдан очиб дарна
кўнглимни тўлдирган дардларни
кетмоққа тезлайман.

Лекин, боз у ҳақдаги барча
ёмон гапларни эслайман...
Кўнглим тўлар, дардлардан нарида
кезинар угада кийинган Раҳм.
Ёмғир қаттиқ қуяр ташқарида,
бесабр Сабрдек
косасидан тошади Ваҳм...
Токчада «Кўндалик» турибди, мана,
кўнглим, ёмғир каби шаррос ёғиб кўр!
...Қозғоқда бир-икки бейхуш чизги
ва фақат сана:

29.04.94...



Кетасан, ўйларим тўғғитиб,
бесар —

абир ҳидларини сочганча йўлга —
шамоллар бағримга қайтармоқ бўлган
соҳларинг
шамолга қўшилиб эсар.
Қайрилиб қарамоқ сен учун ётдир.
Ортингдан қуш каби учмоқ бўлиб
«жиз»

этан шўр юрагим
муаллақ-ожиз,
кўзим қирғоғида варракдай қотди.
Вужудим кўз бўлиб боқар ҳаётга
кўзларим —
икки барг —

бағрини кесган
(кетар маҳалингда ортингдан эсан)
шамоллар ўлимни болади ёдга...

Бир тўй бўлди.

Намозшомда
мўъжаз қишлоқ
тўлиб кетди наволарга.

Бир ўй бўлди

юрагимда
ва уришқоқ
аразларни ҳаволарга

сочиб, кирдим
тўйхонага,
ловулаган
сөгинч тўлган юрагини
очиб кирдим.

Ҳайрон боқса
овул манга
билмай қайга юрагимни,
бир қайрилдим
келинчакка —
қайтиб олдим
ўғирлаган ул, тинчимни.

Мен айрилдим —
унсизгина
тўкиб солдим
юракдаги сөгинчимни...

Тинглар келин,
шу тун энди
овунчимга
қоршади нолишлари —
йўғлар келин —
эри сезмас,
сөгинчимга
ғарқ бўлади болишлари...



Кўклам оёқлади.
Дарахтлар кўнлари-тўнлари
тин олмай,
бодраб турган гулларин
тўқдилар.

Хаёлимда: «Жоним, сен қаёқларда
юрибсан!» — деган сўзинг,
кўзларимда икки кўзинг —
шу ердан юракка ўтилар...

Ўтдим
юрагинга, кўрдимки ўтиб —
бўм-бўи...
Нахот кўзларингда ёнган қалб ўти
ишқнинг маёқлари
каби ҳисларимни алдади!

Ай!
Дарахтлар гулларин тўқар паллада
кўклам оёқлади.
Келдим, барибир келдим «қаёқлардан»,
гарчи, саҳрода бир кўринган сароб

ҳаёт уммонида кўпирган хубоб
янглиғ ўткинчидир ҳар қанақа бахт...
Кўклам оёқлади.
Кўнглим ўқинар

дарахтдек чайқалиб —
«Севаман» деб бодраб очилган ҳислар
тўқилар —
гулларини тўқар яна бир дарахт.



Бир кун соҳир саҳарда
орзудан орзиққан дил
бирла майсалардай жим
чиқиб кетсак шаҳардан.
Йўлимиз олис бўлса,
толиқсак бошимизга
болиш бўлган гулларга
меҳримиз болиш бўлса.
Бизни қучса адирлар —
изимиздан унган тўп
чекларнинг кўзидан
териб олсак қадрлар.
Сочингани, гулистарам,
ошён этган булбулнинг
хонишидан тузалса
ошиқлигим — дил ярам...
(Ай, дил ўйнақ ва дайди
кўзлар айлага тушганда:
— Кўз қир солчи, қирларда
ишқ борми? — деб сўрайди.)

Ўзини бахтли сезарди тап-тақир Саҳро.
У кўрмаган эди, билмасди
олисдаги ойдин Булоқни,
Ўзини бахтли сезарди ойдин бир Булоқ.
У ҳам билмас эди, узоқларда
тап-тақир Саҳронинг мавжудлигини...

СЕВГИ

«Се-ва-ман-!» —
Пойинга шу сўздай узала тушдим.
Ҳис-ҳаяжонимни англадинг, жоним,
Сев, деган ундовдай тик эди қаддинг
дастлаб...

«Се-ва-ман-?» —
кўрзин совиб борар томирда қоним.
Кўрма, қўй, барибир
қўлимни ушлашга сўймайди ҳадинг.
Бош эгдинг, қошимда — узала тушган
сўз сўнгида эгилган сўроқдай.
— Туринг-э, одамлар қараяпти,
— дединг юзини истеҳзога мослаб.
Мен эса, узала ётавердим, жим-м,
турмадим...

«Се-ва-ман-...» —
— Кўйинг-э, кетдим!
Буралдинг, уч нуқта
атиги уч қадам қўйдинг-у ортга
қаршингда жаранглади кўнгириқдай
бир йўловчи каснинг саволи:
— Изингда ишқилиб ётган ким?
Менинг кўзларимдан ёш чўқди потраб:
— Нима ишинг бо-ор!
Бўғзимга тиқилди тошдай нафасим,
Ортингда термулиб қолавердим зор,
югуриб кетдинг:
«Одамни шармисор этдингиз» —
Уҳ!
Бунча тор севгининг қафаси...



Хозирги кунда мамлакатимиз пойтахти — Тошкентда жаҳоннинг кўпгина илгор давлатлари элчихоналари муваффақиятли фаолият кўрсатиб турибди. Шу элчихоналар орасида Европанинг ўта тараққий этган давлатларидан бири бўлмиш Буюк Британия элчихонаси ҳам бор. Яқинда махсус мухбиримиз Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги фавкуллода ва мухтор элчиси жаноб Паул Берне билан учрашиб, унга бир қанча саволлар билан мурожаат этди.

— Жаноб элчи, аъяна бўйча муштарийларимизга ўзингизни таништирасангиз?

— Бажониديل. Исмим Паул Берне, 1937 йилда Лондон шаҳрида туғилганман. Иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар биз Лондоннинг санъаткорлар даҳасида, ўз уйимизда яшаганмиз. Бу даҳа Лондоннинг марказида жойлашган. Хозир бу ерда асосан бой-бадавлат кишилар туришади. Хозирга келиб бу даҳада яшаш янада қимматлашиб кетди. Урушга-ча дадам журналист бўлиб ишлаган, уруш бошлангач барча қатори ҳарбий хизматга сафарбар этилиб, Шимолий Африка ва Италияда жанг қилган. Урушдан кейин у «Шэлл» номли нефть компаниясига ишга ўтиб, йигирма йил давомида шу компаниянинг махсулотлари рекламаси билан шуғулланди. Асли касби расом бўлган ойим урушдан кейин ёзувчиликка ўтиб кетган ва кўпгина мақолалар ҳамда учта китоб чоп эттирган. Бувам, яъни ойимнинг дадаси таниқли расом бўлиб, тасвирий санъатда ўз мактабини яратган кишилардан бири бўлган. Ойим китобларидан бирида бувамнинг ҳаёт ва ижод йўлини тасвирлаган, иккинчи, учинчи китобларида эса машҳур инглиз ва хоризг расомлари ҳаёти, ижод йўли ҳақида фикр юритган.

— Кечирасиз, ўшанда онлангиз неча жон эди?

— Оилада мен ёлғиз фарзанд эдим. Умуман олганда, Европа оилаларида кўпи билан уч нафар фарзанд бўлади, холос.

— Муштарийларимизга Лондон шаҳрини тасвирлаб берсангиз! Айтмоқчиманки, биз Лондон ва Буюк Британия тўғрисида кўпроқ тарих китобларида ўқиганмиз, холос.

— Лондон она шаҳрим. Лондон шаҳри Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма қироллигининг пойтахтидир. 1986 йилги ҳисобларга қараганда Лондонда 6770000 киши яшайди, шу сабабли у ер юзидаги аҳолиси энг кўп ўн та шаҳардан бири ҳисобланади. 1963 йилгача Лондон қадимий шаҳар (ситу оф Лондон) ва 28 та шаҳар районларидан иборат эди. 1963 йилда уларнинг барчаси бирлашиб, грайтер Лондон вужудга келди. Лондон мамлакат қиролчилиси ва ҳукумат, парламент ҳамда бошқа давлат маҳкамалари қароргоҳидир. Лондон жуда гўзал шаҳар. Унинг ўртасидан шаҳарнинг кўрки бўлмиш улкан Темза дарёси оқиб ўтади. Ҳар иккала қирғоқдаги шаҳар даҳаларини улкан кўприклар бир-бири билан боғлаб туради. Лондонда кўплаб дорилфунунлар, олий ва ўрта махсус ўқув юрлари, коллежлар, музей ва галереялар бор. Айниқса Лондондаги набобот ва ҳайвонот боғлари, набобот ва ҳайвонот оламининг нодир нусхаларга эгалиги жиҳатдан биринчи ўринда туради.

— Муштарийларимизга Буюк Британия ҳақида ҳам икки оғиз сўзлаб берсангиз.

— Марҳамат, жоним билан. Буюк Британия 1707 йилдан бери Англия, Шотландия ҳамда Вализиянинг умумлашма номидир. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма қироллиги ҳам шу ном билан юритилади. Қўшма қироллик деганда Англия, Вализия, Шотландия ва Ирландия оролининг шимолий-шарқий қисмини тушуниш керак. «Ороллар мамлакатини» деб ном олган юртимиз аҳолисининг асосий қисми инглизлар, вализлар, шотландлар ва ирландлардан иборат. Инглиз тили давлат тилидир. Пул бирлигимиз фунт стерлинг деб аталади. Хозирги кунда 10 фунт стерлинг 15 долларга тенгдир. Ташқи савдодаги асосий шерикларимиз АҚШ, Германия, Нидерландия, Франция ва Ирландиядир.

йили Ташқи ишлар вазирлигига ишга қабул қилинганимдан кейин мени Буюк Британиянинг Вена шаҳридаги (Австрия) элчихонасига ишга жўнатишди. Уша ерда аёлим Сюзанна хонимга уйланганман, аёлимнинг миллати немис.

— Аёлингиз ҳам Ташқи ишлар вазирлигига ишлайдими, яъни айтмоқчиманки аёлингиз билан касбдошимсизлар!

— Йўқ, аёлим кулолчилик бўйича мутахассис...

— Кечирасиз, агар мумкин бўлса онлангиз тўғрисида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз!

— Оиламиз тўрт кишидан иборат. Қизимиз ва ўғлимиз бор. Қизим театрда ишлайди. У намойиш этиладиган кўрсатувлар ва концертлар дас-

ўзбек тилига мўносабингизни билмоқчи эдим.

— Ўзбекистоннинг ўтмишда буюк давлат бўлганлиги оламга аён, айниқса буюк Жаҳонгир Амир Темур салтанати, Алишер Навоий шеърияти, Бобурмирознинг «Бобурнома» асари Европанинг барча ўқимишли кишиларига таниш бўлса керак деб ўйлайман. Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида менга Шекспирнинг ўзбек тилига таржима қилинган асарлари тўпламини совға қилишди. Ишонамга қайтагач анча вақт ҳаёлга чўлиб қолдим, демек Навоий мўътабар бўлган бу тупроқда Шекспир азиз... демек, ҳукмдорлар, давлатларнинг бир-бирига қандай мўносабатда бўлишидан қатъий назар халқларни бир-бирига боғлаб турган кўприклар мав-

НАВОЙ МЎЪТАБАР БЎЛГАН ТУПРОҚДА ШЕКСПИР АЗИЗ

— Жаноб Берне, мана сиз Ўзбекистонга элчи бўлиб келдингиз. Элчи бўлиш учун ёки элчихоналарда ишлаш учун маълум бир олий ўқув юртини битирган бўлсангиз керак!

— Йўқ, унақа эмас. Келинг, яхшиши бошдан гапириб бера қолай. Мени олти ёшимда шахсий мактаб интернатига ўқишга беришган, кейин уруш бошлангач қолди. Биласиз, уруш бехатар бўлмади. Герман самолётлари Лондонни тўғтовсиз бомбардимон қилиб кетарди. Дадам урушга кетди. Шунда ойим билан мен бошқа тинчроқ жойга кўчиб кетишга мажбур бўлдик. Уруш тугагач яна Лондонга қайтдик. Ун саккиз ёшимда мактабни битириб, Кембридж университетига ўқишга кирдим. Археология факултетининг антропология бўлимини тугатдим, кейин Эронда хизмат сафарига бўлдим. У ерда кинооператор бўлиб ишлаб, Эрондаги ҳайвонот олами тўғрисидаги «Орзу амалга ошмоқда» деган илмий-оммабоп филмини суратга олдим. 1959 йилда эса Ташқи ишлар вазирлигига ишга қабул қилиндим. Бу ерда ишга кириш учун биронта махсус билим юртини битириш мажбурий эмас, ишга қабул қилиниш ёки қилинмаслик кишининг шахсий иқтидорига боғлиқ, чунки ишга қираётган киши бир қанча қийин имтиҳонлардан ўтиши лозим. 1959

турини тузади. Ўғлим эса дизайн безаш билан шуғулланади. У бир корхонада ишлаб чиқариладиган турли асбоб-ускуналар, ҳар хил машиналарнинг безатилиши бўйича масъул ходим бўлиб ишлайди.

— Жаноб элчи, Тошкентга келганингизга қанча бўлди?

— 1993 йилнинг 5 майида Тошкентга келиб тушгандим, демек ўша кундан эътиборан элчихонамиз фаолият кўрсатаёпти десак ҳам бўлади. Бунгача мен Буюк Британиянинг Австрия, Эрон, Ливан, Бирлашган Араб амирликлари, Миср, Афина (Греция) ва Гонконгдаги элчихоналарида ишладим. Эронда ишлаб турганимда Исфаҳон шаҳрида бир йил давомида форс тилини ўрганиб олдим. Рус тилини мактабда ўрганганман. Бундан ташқари араб, немис, грек, турк, француз ва италян тилларида ҳам бемалол гаплаша оламан.

— Сизнинг кўп тилларни билишингизга қойил қолмай иложим йўқ. Мана ҳозир сиз билан немис тилида суҳбат қурдик. Буюк Британия-дек буюк мамлакатнинг мухтор вакили билан Тошкентда дўстона суҳбат қўришимизни, Ўзбекистоннинг жаҳонга ва жаҳоннинг Ўзбекистонга юз тутаётганини, мустақиллигимиз шарофатидан деб биламан. Шу ўринда

жуд... Шундай кўприклардан бири шубҳасиз, бадий адабиётдир. Биз Ёзувчилар уюшмасида шу ҳақда фикрлашиб, ўзбек-инглиз адабий алоқаларини ривожлантириш хусусида келишиб олдик ҳамда замонавий инглиз адабиёти намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг сара асарларини инглиз тилига таржима қилиб, нашр эттириш мақсадга мувофиқдир деган тўхтамга келдик. Бир-бирларининг адабиётини билган халқлар албатта бир-бирларининг урф-одатлари, расм-русумларини, қисқача қилиб айтганда бир-бирларини билишади. Бир-бирларини билган халқлар орасида ҳеч қачон низо чиқмайди, аксинча улар дўстлашиб, иноқлашиб кетадилар. Мен Ўзбекистоннинг келажиги буюк давлат бўлишига аминман, чунки ўзбек халқи меҳнатсевар халқ. Ўзбек тилини ўрганиш масаласига келсак, юқорида айтганимдек турк тилида яшигина гаплаша оламан. Ўзбек тилини ҳам ўрганиб оламан деган умиддаман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош: Йўлдош ПАРДА





Қозғоғистонликлар Осиё чемпионатида қатнашади Ўзбекистонликлар-чи! Қозғоғистонликлар жаҳон чемпионатида ҳам бориши мумкин.

Ўзбекистонликлар-чи! Бизда футбол ривожланиб бормоқда. Шу жумладан Қозғоғистонда ҳам. Бизда футболни ривожлантириш тўғрисида дунёда биринчи бўлиб махсус қарор қабул қилинган. Қозғоғистонликлар эса ҳали бу борада ўйлашмоқда.

1994 йил. 20 май. Тошкент шаҳрида бошланган Осиё 29 чемпионати (9 гуруҳ, саралаш, 19 ашгача бўлган футболчилар ўртасида) ўйинларининг дастлабки натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳаракат қилган ҳар қандай мамлакат ҳам жаҳон чемпионатида бемалол қатнашиши мумкин экан. Ушбу саралаш матчларининг 9 гуруҳида ҳозир ешта мамлакат футболчилари ўзаро баҳслашмоқда. Улар:

ТОЖИКИСТОН,

ТУРКМАНИСТОН,

ЎЗБЕКИСТОН,

ҚИРҒИЗИСТОН,

ҚОЗОҒИСТОН.

Ешлар мусобақасининг энг қизиқ ва энг муҳим жиҳати шундаки, ушбу баҳсларда голиб чиққан терма команда шу йилнинг сентябр ойида Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ўтказиладиган ОСИЁ 29-чемпионатида бериладиган йўлланмани кўлга кирилади. Унда яхши натижага эришганлар жаҳон биринчилигига боришади. Шу бугунга келиб бизнинг 9 гуруҳимизда голиб аниқланай деб қолди. Тахминий башоратимизга

кўра бундай катта бахтга биринчи бўлиб қозғоғистонлик футболчилар эришадиган кўринади. Чунки улар ўтказилган учрашувларнинг аксариятида рақибларини доғда қолдирашмоқда:

ЎЙИНЛАР НАТИЖАСИ БИЛАН ТАНИШИНГ:

Ўзбекистон—Қирғизистон 1:1 20 май
Қозғоғистон—Туркманистон 1:0 20 май
Туркманистон—Тожикистон 2:1 22 май
Ўзбекистон—Қозғоғистон 1:2 22 май
Туркманистон—Қирғизистон 3:0 24 май
Қозғоғистон—Тожикистон 0:1 24 май

Бу галги мусобақада Ватанимиз—Ўзбекистон терма командаси ёшлари кўнгилдагидек қатнаша олмаптилар. Улар бугунга қадар икки ўйин ўтказиб бирорта ҳам ғалабага эришгани йўқ. Мана шу икки учрашувда рақибларининг дарвозасини икки бор нишонга олган ҳолда ўз дарвозаларидан уч тўп қўйиб юборишди. Очқолар сони эса битта.

Энди бугун ўтказилиши лозим бўлган ўйинларнинг иштирокчилари билан танишинг:

Ўзбекистон—Туркманистон...

Тожикистон—Қирғизистон... Гуруҳдаги энг сўнгги ўйинлар 28 майда бўлиб ўтади. Шу куни Ватанимиз футболчилари тожикистонлик тенгдошларини қабул қилишса, Қирғизистон терма командаси Қозғоғистон футболчиларига

қарши майдонга тушади.

Ушбу саралаш мусобақаларининг бошқа гуруҳларида қуйидаги мамлакатлар ўзаро куч синашадилар:

1 гуруҳ
Бангладеш, Гонконг, Саудия Арабистони, Сурия

2 гуруҳ
Қувайт, Покистон, БАА. (Бирлашган Араб Амирлиги)

3 гуруҳ
Иордания, Молдиви Уммон, Катар

4 гуруҳ
Баҳрайн, Ҳиндистон, Эрон

5 гуруҳ
Ироқ, Шри Ланка, Яман

6 гуруҳ
Бруней, Жанубий Корея, Малайзия

7 гуруҳ
Хитой, Бирма, Таиланд

8 гуруҳ
Тайван, Гаум Япония.

Эслатиб ўтаман мана шу

1930—90	ж-ч	ў	ю	д	м	т-н	о
Жанубий Корея	2	5	0	1	4	4-2	1
КХДР	1	4	1	1	2	5-9	3
Қувайт	1	3	0	1	2	2-6	1
Эрон	1	3	0	1	2	2-8	1
Ироқ	1	3	0	0	3	1-4	0
БАА.	1	3	0	0	3	2-11	0

Эслатма: ж-ч — жаҳон чемпионатларида, ў — жами ўтказган ўйин, ю — кўлга киритилган ютуқлари, д — дуранг натижалар, м — мағлубият, т-н — тўплар нисбати, о — очколари.

Саҳифани Нормурод МУСОМОВ тайёрлади

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ВА БИЗНИНГ ОСИЁ

гуруҳларнинг айримларида учрашувлар тутаган бўлса яна бошқаларида ҳалигача давом этмоқда, Осиёдаги энг сўнгги саралаш мусобақаси 8 июн куни ўтказилади.

ОСИЁ ФУТБОЛИГА ОИД БОШҚА ЯНГИЛИКЛАР

1994 йил. Август. Марказий осие мамлакатларининг чемпионлар кубоги. Қатнашадилар:

«Нефтчи» Фаргона
«Ансат» Павладор
«Ситора» Душанбе
«Капетдоғ» Ашгабод
«Олга» — РИИФ Бишкек
Марказий осие мамлакатларининг кубок эгалари кубоги. Қатнашадилар:
«Пахтакор» Тошкент
«Тараз» Жамбул
«Равшан» Қулоб
«Мерв» Мари
«Олой» Уш

Осиёликлар жаҳон чемпионатларида

1994 йилга қадар футбол бўйича жаҳон чемпионатлари 14 бор ўтказилган. Унда ҳаммаси бўлиб дунёнинг 56 мамлакат қатнашган. Қатнашчиларнинг энг кўпи ер шарининг Европа қисмидан. Осиё қитъасидан эса қуйидаги давлатлар иштирок этишган:



«НИМА БУЛАРКИН»

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадаҳон ЕҒУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Муҳаббат ИБODOVA, Ҳалим САЙИД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ, Муассис: Ўзбекистон Республикаси болалар жамгармаси.

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамгармасининг «Чинор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташиқлотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Онла ва жамият»дан деб кўрсатилган шарт.

МАНЗИЛҒОҲИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино.

Телефон: 39-43-93

Азиз АБДУВАЛИ навбатчилик қилди

Обуна индекс — 64654

Рўйхатта олиш № 33

Буюртма № Г-976. 34584 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.

1 2 3 4 5